

Туман ҳокими ва сектор раҳбарлари бити्रувчи ёшлар билан учрашишди



Бу йил Термиз туманидаги 28 та мактабнинг 1089 нафар йигит-қизлари умумтаълим мактабларини тугаллашди. Катта ҳаёт останасида турган, ҳаёт йўлининг мустақил ва шу билан бирга, масъулиятли дамларига қадам қўяётганди битирувчи ёшлар учун бугун Термиз тумани ҳокимлиги катта мажлислар залида яна бир қувончли тадбир ташкил этилди.

Туман ҳокими Шухратжон Уринов ва сектор раҳбарлари иштироқида “Ҳоким ва битирувчи ёшлар учрашуви” бўлиб ўтди. Тадбирда 2021-2022 ўқув йилини аъло баҳоларга тамомлаган 12 нафар битирувчиларга “Олтин медал”лар тантанали топширилди.

Шунингдек, туман ҳокими номидан мактабни аъло баҳоларга тамомлаган ва ўзининг намунали ҳулқ-одоби билан тенгдошларига ўрнак бўлган бир гурӯҳ битирувчи ёшларнинг ота-оналарига ташаккурномалар берилди.